

Коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини рейтинг
баҳолаш тартиби ҳақида

ЙЎРИҚНОМА

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқнома ички ишлар органларида коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолаш (кейинги ўринларда – рейтинг баҳолаш) тартибини белгилайди.

2. Рейтинг баҳолаш ички ишлар органлари ходимлари (кейинги ўринларда – ходимлар)нинг коррупцияга қарши курашиш борасида олиб бораётган фаолияти самарадорлигини пухта таҳлил қилиш, баҳолаш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилади.

3. Ички ишлар органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тизими ва коррупциянинг олдини олиш бўйича бошқа халқаро стандартларнинг самарали жорий этилганлиги ҳамда амалиётга татбиқ қилинганлиги рейтинг баҳолашнинг объекти ҳисобланади.

4. Рейтинг баҳолаш коррупцияга қарши курашиш бўйича Ички ишлар вазирлиги комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) томонидан ташкил этилади.

2-боб. Рейтинг баҳолаш йўналишлари ва индикаторлари

5. Ички ишлар органларида рейтинг баҳолаш алоҳида мезонлардан ташкил топган қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

биринчи йўналиш – коррупцияга қарши курашиш бўйича механизмни амалиётга татбиқ этилганлиги;

иккинчи йўналиш – коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

учинчи йўналиш – раҳбарларнинг коррупцияга қарши муросасиз муносабатни кўрсатувчи хатти-ҳаракатларининг мавжудлиги;

тўртинчи йўналиш – ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларини ошириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

бешинчи йўналиш – коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли соҳа ёки тармоқ кесимида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирларининг самарадорлиги;

олтинчи йўналиш – ходимлар томонидан коррупцияга қарши курашиш йўналиши бўйича олди олинган, аниқланган ҳамда фуқаролар томонидан содир этилган жиноятларнинг фош этилганлиги.

6. Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги 0 баллдан 100 баллгача рейтингда баҳоланиб, фаолият самарадорлиги “яхши”, “қониқарли” ва “қониқарсиз” тоифаларга ажратилади.

Бунда, мезонларни бажариш орқали:

81 баллдан 100 баллгача тўплаган таркибий ва ҳудудий ички ишлар органларининг фаолият самарадорлиги – “яхши”;

55 баллдан 81 баллгача тўплаган таркибий ва ҳудудий ички ишлар органларининг фаолият самарадорлиги – “қониқарли”;

55 дан паст балл тўплаган таркибий ва ҳудудий ички ишлар органларининг фаолият самарадорлиги – “қониқарсиз” деб топилади.

7. Рейтинг баҳолаш йўналишлари бўйича баллар қуйидагича тақсимланади:

биринчи йўналиш – максимал 20 балл;

иккинчи йўналиш – максимал 20 балл;

учинчи йўналиш – максимал 15 балл;

тўртинчи йўналиш – максимал 20 балл;

бешинчи йўналиш – максимал 15 балл;

олтинчи йўналиш – максимал 10 балл.

8. Комиссия томонидан ишлаб чиқилган режа-дастурда белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан якуний баллар Рейтинг баҳолаш йўналишлари ва мезон кўрсаткичларидаги балларни бир-бирига қўшиш орқали аниқланади.

3-боб. Рейтинг баҳолашни амалга ошириш тартиби

9. Комиссия ҳар йили 15 январга қадар рейтинг баҳолашдан ўтказиладиган таркибий ва ҳудудий ички ишлар органларининг рўйхатини тузади ҳамда бу ҳақда уларни хабардор қилади.

10. Вазирликнинг таркибий ҳамда ҳудудий ички ишлар органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда – ишчи гуруҳ)лари томонидан ҳар чоракда чораклик маълумотлар, йил якунида эса йиллик маълумотлар Рейтинг баҳолаш йўналишлари, кўрсаткичлар жадвал ва ахборот тарзида Комиссияга юборилади.

Бунда, ушбу маълумот ва жадвалнинг тўғри тўлдирилганлигига ишчи гуруҳ раҳбарлари жавобгар ҳисобланади.

12. Комиссия мунтазам равишда ишчи гуруҳлар томонидан юборилган маълумотларни таҳлил қилиб боради, коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги

“қониқарсиз” деб топилиши мумкин бўлган таркибий ва ҳудудий ички ишлар органларига услубий ёрдам кўрсатади.

13. Ишчи гуруҳ ҳар йили Комиссиянинг хатини олгандан сўнг, ушбу Йўриқномага мувофиқ белгиланган муддатларда зарур маълумотлар ва ҳисоботларни юборади.

Бунда, Комиссияга махсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятга эга, мутлақо махфий ва махфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотларни ўрнатилган тартибда юборади.

14. Йиллик маълумотлар киритилгандан сўнг Комиссия ҳар йили:

20 январга қадар танлов асосида ишчи гуруҳ томонидан юборилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини ўрганади.

15. Маълумотларнинг ҳаққонийлигини ўрганиш жараёнида нотўғри ёки сохта маълумотлар юборилганлиги аниқланган тақдирда, бу ҳақида Комиссия раисига ахборот берилади.

16. Рейтинг баҳолаш натижалари ҳисоблаб чиқилади ва Комиссия раисига ахборот берилади.

4-боб. Рейтинг баҳолашни амалга оширувчи гуруҳ фаолиятини ташкил этиш тартиби

17. Рейтинг баҳолаш натижаларининг холислигини таъминлаш мақсадида ҳар йили 3 кишидан иборат Рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи гуруҳ (кейинги ўринларда – гуруҳ) шакллантирилади.

Гуруҳ таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан уларни танлаб олиш мезонлари, уларнинг мажбуриятлари ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш механизмларини назарда тутувчи тартиб Комиссия томонидан белгиланади.

18. Гуруҳ таркиби Комиссия томонидан ички ишлар органларининг тақлифларига асосан шакллантирилади.

Гуруҳ таркибига, қоида тариқасида, коррупцияга қарши курашиш йўналишида ишлаб келаётган ходимлар, шу жумладан амалий тажриба ва ички ишлар органлари тизимида юқори обрўга эга ходимлар киритилади.

Бунда, гуруҳ таркибида камида 1 киши Шахсий ҳавфсизлик бош бошқармаси вакили бўлиши лозим.

19. Гуруҳ ички ишлар органларининг ишчи гуруҳи томонидан юборилган ҳисоботлар ва маълумотлар асосида шакллантирилган дастлабки натижаларни кўриб чиқади.

Бунда, ишчи гуруҳ томонидан юборилган маълумотлар ва ҳисоботларда бир-бирини инкор қилувчи маълумотлар аниқланганида бу бўйича улардан қўшимча маълумотлар талаб қилиб олишга ҳақли.

20. Гуруҳ ҳар йили 20 январга қадар дастлабки тайёрланган рейтинг баҳолаш натижалари бўйича ҳисоботларни кўриб чиқиш учун Комиссияга тақдим этади:

21. Гуруҳда қабул қилинган қарорга қўшилмаган гуруҳ аъзоси ўз фикрини алоҳида билдириш ҳуқуқига эга.

22. Комиссия гуруҳ томонидан тақдим этилган хулоса ёки муқобил рейтинг баҳолаш натижаларини ҳар йили 25 январга қадар пухта таҳлил қилади, унга кўра якуний баҳолаш натижаларини шакллантиради ва бу ҳақда Ички ишлар вазирига ахборот тақдим қилади.

23. Комиссиянинг рейтинг баҳолаш якунларига кўра коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги “яхши”, “қониқарли” ва “қониқарсиз” деб топилган таркибий ва ҳудудий ички ишлар органлари Вазирлик раҳбарияти ҳузурида муҳокама қилинади.

5-боб. Рейтинг баҳолаш якунлари бўйича амалга ошириладиган тадбирлар

24. Комиссия томонидан рейтинг баҳолаш якунлари бўйича коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги “яхши” деб топилган таркибий ва ҳудудий ички ишлар органларининг ижобий иш тажрибасини ички ишлар органларида оммалаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шунингдек, Комиссия томонидан “яхши” деб баҳоланган таркибий ва ҳудудий ички ишлар органларига уларнинг коррупцияга қарши курашишга масъул таркибий бўлинмалари ходимларини рағбатлантириш тўғрисида таклифлар киритиб борилади.

25. Рейтинг баҳолаш натижаларига кўра коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги “қониқарли” деб топилган таркибий ва ҳудудий ички ишлар органларига самарадорликни янада ошириш бўйича Комиссия томонидан ҳар йили 1 февралга қадар тавсиялар киритилади.

Комиссия томонидан киритилган тавсиялар ва қарорларни ишчи гуруҳ бажариши ва бу ҳақда Комиссияга ахборот бериши лозим.

26. Коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги “қониқарсиз” деб топилган таркибий ва ҳудудий ички ишлар органлари ҳар йили 30 январга қадар коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиши ва уни Комиссия билан келишилган ҳолда тасдиқлаши лозим.

27. Кетма-кет икки йил давомида коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги “қониқарсиз” деб топилган таркибий ва ҳудудий ички ишлар

органлари раҳбарларига белгиланган тартибда интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш масаласи кўриб чиқилади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

28. Ушбу Йўриқнома талабларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

29. Комииссия, зарурат бўлганда, рейтинг баҳолашнинг қўшимча йўналишлари ва мезон қўрсаткичларини киритиши мумкин.